



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 31 » декабрь

№ 820

Toshkent sh.

Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва замонавий намунали оила мезонларини ҳаётга жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурида **Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларини** (кейинги ўринларда – **марказ**) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар марказларни ташкил этишининг асосий мақсади деб белгилансин:

замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда **“Оила – муқаддас”, “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Оила – жамият ва давлат ҳимоясида”** ва **“Фаровон оила – жамият равиқининг асоси”** концептуал ғояларини никохланувчиларнинг онгига сингдириб бориши;

никохланувчи шахсларни оилавий-хуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли тайёрлаш;

оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, никохланувчи шахсларда оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш ҳамда ибратли ота-она бўлиш кўникмаларини шакллантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, марказларда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларига никоҳни қайд этиш учун ариза берган ва ўкув машғулотларида қатнашиш учун розилиги олинган ўттиз ёшдан

ошмаган никохланувчи шахслар, ўқув юкламаси ҳажми ўн олти соатдан кам бўлмаган дастур асосида бепул ўқитилади.

4. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом** иловага мувофик тасдиқлансин:

марказлар ташкил этилишининг мақсади ва асосий вазифалари;

марказларда машғулотларни **самарали ўтказишни** ташкил этиш механизми ҳамда уларнинг мониторингини юритиш тартиби;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича машғулотлар йўналишлари ва уларни ўтказиш тартиби.

5. Куйидагилар марказ фаолиятини **молиялаштириш** манбалари этиб белгилансин:

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Марказлардаги машғулотларни самарали ўтказишни ташкил этиш масалалари:

туман (шахар) даражасида – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари;

вилоят даражасида – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари;

республика даражасида – Ўзбекистон Республикаси Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Машғулотлар ўтказилишини тизимли ташкил этиш мақсадида:

а) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда марказлардаги машғулотларнинг сифатли ва тўлиқ ўтказилишига ҳамда марказлар фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашсинг;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг никоҳни қайд этиш учун ариза берган ва ўқув машғулотларида катнашиш учун розилиги олинган ўттиз ёшдан ошмаган никохланувчи шахслар рўйхатини маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шахар) бўлимларига ўз вақтида тақдим этилишини ташкил этсин;

марказларда никохланувчи ёшларга оиладаги эр-хотиннинг хукуқ ва мажбуриятларига оид машғулотлар ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатсан;

марказлар фаолиятини тарғиб этишда күмаклашсинг;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда:

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун ўтказиладиган машғулотларга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсинг;

марказлар фаолиятини илмий-методик қўлланмалар ва тарқатма материаллар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатсинг;

г) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги:

оила мавзусига бағишланган таъсирчан видеофильм, видеороликлар, инфографик лавҳалар медиатекасини ташкил этсинг;

иштирокчиларни никоҳ ва оила муносабатларини тарғиб қилувчи тарқатма материаллар билан таъминласинг;

оила мавзусига бағишланган таъсирчан видеороликларни “Mening yurtim”, “Yoshlar” телеканалларида намойиш этсинг;

марказ фаолиятини олий таълим муассасалари битирувчи ёшлари, никоҳ ёшига етган ёшлар орасида тарғиб қилсинг;

д) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти:

оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, шунингдек, намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш бўйича таклифлар тайёрласинг;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишининг ҳуқуқий ва психолого-асосларини ўргатиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқсинг;

умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ методик тавсиялар ишлаб чиқсинг.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги икки ой муддатда марказларга машғулотлар учун алоҳида хоналар ажратиш, зарур мебель, майший ва компьютер техникаси билан таъминлаш чоралари маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари, ўз маблаглари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланишини назарда тутсинг.

9. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунг.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ЗГ” декабрдаги 820 сон қарорига
илова

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида машғулотларни ташкил қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари (кейинги ўринларда – марказлар) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига (кейинги ўринларда – ФҲДЁ органлари) никоҳни қайд этиш бўйича ариза берган шахсларни оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган ўкув машғулотларини ўтказиш маскани ҳисобланади.

3. Марказларда ташкил этилган ўкув машғулотлар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, юқори маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, уларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, мустаҳкам, тотув ва баҳтли оила яратишга кўмаклашиш, уларга анъанавий оилавий қадриятларни сингдириш, шунингдек, оиланинг замонавий моделини шакллантиришга қаратилади.

4. Куйидагилар марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда “Оила – муқаддас”, “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Оила – жамият ва давлат ҳимоясида” ва “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” концептуал ғояларини никоҳланувчиларнинг онгига сингдириб бориш;

никоҳланувчи шахсларни оилавий-хуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли тайёрлаш;

оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажралишларни олдини олиш, никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш ҳамда ибратли ота-она бўлиш кўнималарини шакллантириш.

2-боб. Марказлар фаолиятини ташкил этиш

5. Марказлар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани кўллаб-куватлаш бўлимлари ҳузурида ташкил этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-куватлаш вазирлиги:

марказлардаги ўкув машғулотларини ўтказиш юзасидан режалар ва дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда доимий янгиланишини таъминлайди;

ўқитишининг замонавий шакл ва услубларини, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини жорий этади, ўкув машғулотларига малакали мутахассисларни жалб қиласди;

марказлар фаолиятини ўкув-методик жиҳатдан таъминлашда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлик қиласди;

ўкув машғулотларининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ўтказилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ва натижалари бўйича фаолиятни такомиллаштиришга кўмаклашади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари:

марказларда ўкув машғулотларининг самарали ташкил қилинишини таъминлайди, шунингдек, ўқитишининг ўкув-услубий асосларини ишлаб чиқишига кўмаклашади;

ўқитиши амалга ошириш учун етакчи таълим, илмий-тадқиқот муассасаларидан мутахассислар, шунингдек, амалиётчи мутахассисларни шартнома асосида жалб этади;

никоҳланувчи шахсларнинг машғулотларда рўйхат асосида иштирок этишини ташкил этади;

марказларда машғулотлар мунтазам ўтказилишини таъминлайди, уларнинг мониторингини юритади ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига ойлик, чорак, ярим йиллик, йиллик маълумотлар бериб боради.

8. Марказлардаги машғулотларни самарали ўтказиши ташкил этиш масалалари туман (шаҳар) даражасида – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари, вилоят даражасида – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари ва республика даражасида – Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги худудий бошқармаларининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича бош мутахассислари, туман (шаҳар) бўлимларининг хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар бўйича етакчи мутахассислари марказларда машғулотларни ташкил этиш ва ўтказилишига масъул ҳисобланади.

9. Марказлардаги ўкув машғулотлари режалари ҳар ойда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бўлинмалари расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

3-боб. Марказларда машғулотларни ташкил қилиш

10. ФХДЁ органлари никоҳни қайд этиш учун ариза берган шахсларга марказларда ихтиёрийлик асосида қуйидаги йўналишлар бўйича бепул ўқишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот беради:

оилавий-хуқуқий муносабатлар;
оилавий турмуш психологияси;
репродуктив саломатлик асослари;
иктисод ва оила бюджети;
ота-оналий ижобий кўнижмалари;
маънавий-ахлоқий қадриятлар.

ФХДЁ органлари ҳар ойнинг якунида оила қуриш учун ариза берган ва ўқув машғулотларида қатнашиш учун розилиги олинган шахсларнинг рўйхатини шакллантиради ва кейинги ойнинг учинчи санасигача Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги худудий бўлимларига тақдим этади.

Ўттиз ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар, никоҳ тузган шахслар, шунингдек, ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг томонлари ҳам алоҳида дастур асосида марказларда ихтиёрий ўқишлари мумкин.

11. Ўқув жараёнининг давомийлиги тўрт кундан ортиқ бўлмаслиги, ўқув юкламаси ҳажми эса – 16 соатдан кам бўлмаслиги керак.

12. Марказларда машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бошқармаси томонидан тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳамда худудларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил қилинади.

13. Марказларда машғулотлар ўқитишининг замонавий шакллари ва усулларидан, илфор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади ҳамда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза, тақдимот, интерфаол семинар, амалий машғулот (кейс-стади, “кичик” гурухларда ишлаш, “ақлий хужум” ва бошқалар).

Машғулотнинг давомийлиги 45 дақиқани ташкил этади.

14. Ўқув жараёни, қоида тариқасида, 15 жуфт никоҳланувчилар иштирокида ташкил қилинади.

15. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги худудий бўлимлари томонидан ҳар чорак бошида ФХДЁ органларига ўкувлар ўтказиладиган сана ва ўқув режалари етказиб берилади.

16. Ўтказилган машғулотларнинг доимий мониторинги Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Марказларда ўқиб чиқсан ёш оилаларнинг ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш ва мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, ўқув жараёни янада такомиллаштириб борилади.

17. Ўқув машғулотларида тўлиқ қатнашган тингловчиларга мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклда сертификат тантанали равища топширилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Марказларда машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, ўқув машғулотларини ўтказишга жалб этиладиган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, курслар тингловчилари учун ўқув, тарқатма материаллар ва канцелярия анжомларини харид қилиш, сертификат тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш
марказлари фаолиятини ташкил этиш
тўғрисидаги низомга
илова

Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash markazida o'qiganligi haqida
SERTIFIKAT
IM № 000000

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ____ yil _____ dan 20 _____ gacha

(viloyat, tuman (shahar) nomi)

Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash markazida o'qidi.

Sana _____ Qayd raqami _____

mahalla va oilani

(viloyat, tuman (shahar) nomi)

qo'llab-quvvatlash bo'limi boshlig'i

(familiya, ism, otasining ismi)

(имзо)

Muhr o'mni

